


КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017 йилнинг январь–июнида 23,9 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларини ташкил этиш имконини берди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 147,8 фоизга кўпдир).

2017 йил январь–июнь ойларида янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши



Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 27,1 фоизи), савдо соҳасида (20,5 фоиз), кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (14,9 фоиз) ва қурилишда (9,5 фоиз) ташкил этилган.

2017 йилнинг январь–июнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– 10 367,0 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 39,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 115,6 фоизни ташкил қилди;

– 11 476,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,4 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 112,5 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 28 427,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 43,7 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 106,0 фоизни ташкил қилди;

– 28 096,8 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 57,5 фоизи), 2016 йилнинг январь–июнига нисбатан ўсиш суръати 108,3 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,4 фоизи ёки 44 495,5 млрд. сўми (ўсиш суръати 10,6 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 1 703,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 28,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 2 969,8 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 48,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 5,9 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 85,7 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 5,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 92,7 фоизи) кўпайиши таъминланди;

– 10 423,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,7 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 8 313,8 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркорлар, 2 109,7 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.

2017 йилнинг январь–июнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 47,9 фоизгача (2016 йил январь–июнь ойларида 46,0 фоизни ташкил этган), саноатда – 43,7 фоизгача (41,9 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 98,3 фоизгача (97,7 фоиз), қурилишда – 70,4 фоизгача (68,3 фоиз), экспортда – 28,5 фоизгача (27,3 фоиз) ва бандликда – 77,7 фоизгача (77,4 фоиз) ўсган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши

